

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ ФЕРУЗ САЙФУЛЛАЕВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ГЕНОМ ПРЕДИКТОРЛАРИ
ВА БАЗИС ТЕРАПИЯГА ФАРМАКОЛОГИК ЖАВОБ**

**14.00.36 –Аллергология ва иммунология
14.00.20 – Тиббий генетика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Феруз Сайфуллаевич

Бронхиал астманинг геном предикторлари
ва базис терапияга фармакологик жавоб..... 3

Ахмедов Феруз Сайфуллаевич

Геномные предикторы бронхиальной астмы
и фармакологический ответ на базисное лечение..... 25

Axmedov Feruz Sayfullaevich

Genomic predictor of bronchial asthma
and pharmacological response to basic treatment 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 56

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ ФЕРУЗ САЙФУЛЛАЕВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ГЕНОМ ПРЕДИКТОРЛАРИ
ВА БАЗИС ТЕРАПИЯГА ФАРМАКОЛОГИК ЖАВОБ**

**14.00.36 –Аллергология ва иммунология
14.00.20 – Тиббий генетика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3085 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Рузбакиева Малика Руслановна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Мухамедов Рустам Султанович биология фанлари доктори, профессор Ирсалиева Фотима Хуснутдиновна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	И.И. Мечников номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunology@academy.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2024 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда аллергия касалликлар етакчи ўринни эгаллаб келмоқда ва тез-тез қайталаниши, айниқса бронхиал астма, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимида жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. ЖССТ эпидемиологик маълумотларига кўра, «...ривожланган мамлакатлар аҳолисида турли даражадаги бронхиал астма касаллигининг учраши 27,7 фоизни ташкил этмоқда, ушбу тоифадаги беморларда кортикостероидларга резистентликни ривожланиши касалликнинг янада оғир кечишига олиб келмоқда»¹. Касаллик фенотипларининг хилма-хиллиги, патогенезнинг мураккаблиги ва бронхиал астманинг назоратсиз тури фонида кўплаб асоратлар ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ушбу касалликни эрта иммуногенетик ташхислаш, оқибатларини башоратлаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида бронхиал астма касаллигини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада БА касаллигини келиб чиқиши хавф омилларини аниқлаш, бронхиал астмада биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш, генларнинг турли аллел вариантлари бўлган беморларда астмага қарши дори воситалари билан даволаш самарадорлигини баҳолаш, ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштиришга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда касалликка мойилликни пайдо қилувчи генлар полиморфизмини аниқлаш, ривожланиш даражасига қараб касаллик профилактикаси, ташхиси ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада яхшилаш, хусусан, аллергия касалликларни камайтириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «... бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, бронхиал астмали шахсларда иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама аниқлаш,

¹ WHO. World health statistics, 2017. <http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Астма кенг тарқалган сурункали касаллик бўлиб, нафас йўллари яллиғланиши билан характерланиб, дунё аҳолиси орасида 1-18% ни ташкил этади.[Reddel, H. K., Bacharier, L. V., Bateman, E. D., Brightling, C. E., Brusselle, G. G., Buhl, R., ... & Boulet, L. P. (2022)]. Аксарият бронхиал астма билан оғриган беморлар касаллик симптомларини бартараф этиш учун базис даволашга муҳтождирлар. Ингаляцияли кортикостероидлар яллиғланишга қарши ва иммунодепрессив таъсир этиши ҳисобига бронхиал астмани даволашда етакчи даволаш методи ҳисобланади [Keenan, C. R., Radojicic, D., Li, M., Radwan, A., & Stewart, A. G. (2015)]. ИКС астма билан оғриган беморларда касаллик хуружлари частотасини пасайтиради, ўпка функцияси ва ҳаёт сифатини яхшилади. Бироқ, кўп ҳолларда базис дорилар билан даволаш ва ИГКС ни қўллашга терапевтик жавобни ўзгарувчанлигини кўрилади. Бронхиал астма билан оғриган беморларнинг ўртача 30% да касалликни назорат қилиш учун ИГК билан биргаликда перорал кортикостероидларни қўллашга муҳтож бўлишади [Chung, K. F., Wenzel, S. E., Brozek, J. L., Bush, A., Castro, M., Sterk, P. J., & Teague, W. G. (2014)]. Беморлар ўртасида ИГК билан даволаш беморлар ўртасида жуда ўзгарувчанлиги, бошқа томондан худди шу беморга даволанишга яхши тақдорланадиган жавобни кузатишимиз, бу даволанишга жавоб беришда генетик омиллар иштирок этишини кўрсатади [Campo, P., Rodríguez, F., Sánchez-García, S., Barranco, P., Quirce, S., Pérez-Francés, C., ... & Delgado, J. (2013)]. Шундай қилиб генетик вариантлар даволанишга жавоб беришдаги фарқларнинг эҳтимолий сабабидир.

БАни глюкокортикостероид препаратлари билан даволаш давомидаги тахлиллар, ушбу препаратлар барча беморларга бир хил даражада самарадор таъсир қилмаслигини кўрсатади. Сабаби, ҳар бир бемор организми ГКС препаратларига бир хил даражада сезувчан эмаслигидир. ГКСлар препаратларини қабул қилиш давомида беморларнинг кўпчилигида касалликнинг тузалиши чўзилиб, даволаниш кунлари узайиб кетади ёки даволаш самарадорлиги яққол намоён бўлмайди. Хозиргача кўплаб тадқиқотлар ўтказилган, жумладан номзод – генлар ассоциация тадқиқотлари, позицион клонлаш тадқиқотлари ва геном бўйлаб ассоциация тадқиқотлари (GWAS) [Huo, Y., & Zhang, H. Y. (2018)], хозирда номзод – генлар ассоциация тадқиқотлари бронхиал астмани БД ва ГКС билан даволашда генетик таъсирини баҳолашнинг асосий ёндашуви бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб генетик вариантларни биомаркер сифатида аниқлашга қаратилган тадқиқотлар орқали биз касалликнинг ривожланишини ва даволашга жавобини башорат қилишимиз, бронхиал астма билан оғриган беморларга аниқ бронходилататор танлаш ва ИГКС лардан юқори фойда олишларини таъминлашимиз мумкин. Буларнинг барчаси муаммонинг аҳамиятини, ушбу йўналишда чуқур тадқиқотлар ўтказишнинг муҳимлигини белгилайди, унинг ечими патогенезнинг иммунологик ва генетик механизмларининг туб моҳиятини тушунишга, профилактика чоралари асосида ривожланишини, башорат қилишни, шунингдек ушбу беморларни даволашни оптималлаштириш ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-201906124-сонли «Иммунитет билан боғлиқ касалликларда фармакологик реакциянинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ янги биомаркерларни ишлаб чиқиш» (2021-2023 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бронхиал астманинг геном предикторлари ва базис терапияга фармакологик жавобни аниқлашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

бронхиал астма билан касалланган беморларда умумий қабул қилинган клиник-лаборатория ва функционал кўрсаткичларини аниқлаш;

ўзбек миллатига мансуб соғлом шахсларда ва бронхиал астма билан касалланган беморларда интерлейкин – 17 (IL17) ва β2-адренергик рецептор (ADRB2) генининг полиморф вариантларини генотиплаш;

аниқланган генларнинг турли аллел вариантлари бўлган беморларда астмага қарши асосий дори воситаларининг белгиланган дозалари билан бронхиал астманинг даволаш самарадорлигини баҳолаш (фармакологик тест натижаларини талқин қилиш ва тавсифлаш).

махсус генетик тадқиқотлар натижалари асосида ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштирилган алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2023 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 1-сонли кўп тармоқли клиникаси назоратида бўлган бронхиал астма билан касалланган 91 нафар беморлар ва 95 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бронхиал астма билан касалланган беморлар ва амалий соғлом шахслар вена қони ва қон зардоби биокимёвий, иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек популяциясида бронхиал астма ривожланишида (бронх силлиқ мушакларини назорат қилишда) $ADR\beta 2$ ва $IL-17A$ генларининг rs1042713, rs2275913 полиморфизмлари учраши ҳамда касаллик патогенезида улар орасидаги узвий боғлиқлик аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига хос аҳолида бронхиал астма касаллигида $ADRB2$ генининг Arg16Gly полиморфизми аниқланган, $ADR\beta 2$ геннинг гомозигот AA генотиби ва A аллели ушбу патологияга мойиллик ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор ўзбек миллатига хос аҳолида бронхиал астма касаллигида $IL-17A$ генининг G197A полиморфизмининг гомозигот AA генотиби ва A аллели учраши ушбу патологияга ривожланишига мойиллик, аксинча GG генотиби G аллели эса касалликка резистентлик омиллари эканлиги исботланган;

илк бор $ADR\beta 2$ генининг rs1042713 полиморф вариантлари GA ёки GG генотиплари бўлган беморлар AA генотипли беморларга нисбатан бронходилататорлар билан даволашда ижобий натижа бериши, $IL-17A$ генининг rs2275913 полиморф вариантининг GA + GG генотиплари бўлган беморлар ИГКС билан даволашда AA генотипига нисбатан самарали натижа бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бронхиал астма касаллигида $ADR\beta 2$ ва $IL-17A$ генларининг rs1042713, rs2275913 полиморфизмлари аниқлаш зарурлиги асосланган;

бронхиал астма касаллиги ривожланишида $ADRB2$ гени Arg16Gly полиморфизми ва $IL-17A$ гени G197A полиморфизмининг учраши ахамияти аниқланган;

бронхиал астма касаллигида беморларни генотиплаш натижаларига боғлиқ даволаш асосланган;

бронходилататорлар ва ингаляцион глюкокортикоид препаратларини қўллаш бўйича оптималлаштирилган терапевтик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иш жараёнида қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек,

чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бронхиал астманинг геном предикторларини аниқлаш республикада келажақда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин бўлиб, ўзбек популяциясида бронхиал астма ривожланишида $ADR\beta 2$ ва $IL-17A$ генларининг rs1042713, rs2275913 полиморфизмлари учраши, $ADRB2$ гени $Arg16Gly$ полиморфизмининг гомозигот AA генотиби ва A аллели ушбу патологияга мойиллик ривожланишига боғлиқлиги, $IL-17A$ гени G197A полиморфизмининг гомозигот AA генотиби ва A аллели патологияга мойиллик, аксинча GG генотиби G аллели эса касалликка резистентлик омиллари эканлиги ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бронхиал астманинг геном предикторлари ва базис терапияга фармакологик жавобни аниқлашда $ADR\beta 2$ генининг rs1042713 полиморф вариантлари GA ёки GG генотиплари бўлган беморлар AA генотипли беморларга нисбатан бронходилататорлар билан даволашга ижобий натижа бериши, $IL-17A$ генининг rs2275913 полиморф вариантининг GA + GG генотиплари бўлган беморлар ИГКС билан даволашга AA генотипига нисбатан самарали натижа беришини аниқланганлиги, бронхиал астма касаллигида беморларни генотиплаш натижаларига боғлиқ даволаш асосланган, бронходилататорлар ва ингаляцион глюкокортикоид преператларини қўллаш бўйича оптималлаштирилган терапевтик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга тадбиқ этилганлиги асоратларни камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бронхиал астманинг геном предикторлари ва базис терапияга фармакологик жавобни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор ўзбек популяциясида бронхиал астма ривожланишида (бронх силлиқ мушакларини назорат қилишда) $ADR\beta 2$ ва $IL-17A$ генларининг rs1042713, rs2275913 полиморфизмлари учраши ҳамда касаллик патогенезида улар орасидаги узвий боғлиқлик аниқланган. Самарқанд давлат тиббиёт университети (13.05.2024 йилдаги №36 рақамли хулосаси) Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказининг 16.01.2024 йилдаги 03-сонли ва Жиззах вилоят Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг 10.01.2024 йилдаги 02-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: генетик маркерлар ҳақидаги маълумотлар минтақада бронхиал астма билан касалланишни камайтиришга қаратилган соғлиқни сақлаш стратегиялари ва тиббий дастурларни ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги

қуйидагилардан иборат: аниқланган генетик маркерлар асосида бронхиал астмани эрта аниқлаш ва ташхислаш профилактика чораларини ва даволашни ўз вақтида белгилаш имконини беради. Бу шошилинич тиббий ёрдам аралашувлар ва касалхонага ётқизиш заруратини камайтириши мумкин, бу эса ўз навбатида умумий соғлиқни сақлаш харажатларини камайтиради. Ушбу мисолда эрта аниқлаш ва ташхис қўйиш шошилинич тиббий ёрдам аралашувлар нархини тежашга олиб келиши мумкин. Хулоса: бронхиал астмани эрта ташхислаш касалхонага шошилинич тиббий ёрдам олиш учун ётқизиш сонини 20% га камайтиради. Эрта ташхис қўйиш йилига касалхонага 100та шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш учун ётқизишни олдини олса, бу бир беморга бронхолитик (қиска ва узоқ таъсир қилувчи) ва глюкокортикоид (ингаляцион ва тизимли) дори воситаларини қабул қилинишини ойига икки юз эллик минг сўм маблағни тежаш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: илк бор ўзбек миллатига мансуб аҳолида бронхиал астма касаллигида ADRB2 генининг Arg16Gly полиморфизми аниқланган, ADRβ2 геннинг гомозигот AA генотиби ва A аллели ушбу патологияга мойиллик ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган. Самарқанд давлат тиббиёт университети (13.05.2024 йилдаги №36 рақамли хулосаси) Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказининг 16.01.2024 йилдаги 03-сонли ва Жиззах вилоят Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг 10.01.2024 йилдаги 02-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган маълумотлар бронхиал астманинг олдини олишга ва аҳолини ўқитишга қаратилган давлат дастурларини яратиш учун ишлатилиши мумкин, бу эса аҳоли саломатлигини яхшилаш ва умуман касалланишни камайтиришга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бронхиал астмани олдини олиш ва эрта даволаш беморларнинг оилаларига тиббий ёрдам, дори-дармонлар ва касаллик туфайли даромадни йўқотиш билан боғлиқ молиявий юкни камайтиришга ёрдам беради. Хулоса: астманинг олдини олиш ва эрта даволаш вақтинчалик ногиронлик туфайли бемор ҳисобига сарфланадиган маблағни 30% га камайтириш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: илк бор ўзбек миллатига мансуб аҳолида бронхиал астма касаллигида IL-17A генининг G197A полиморфизмининг гомозигот AA генотиби ва A аллели учраши ушбу патологияга ривожланишига мойиллик, аксинча GG генотиби G аллели эса касалликка резистентлик омиллари эканлиги исботланган. Самарқанд давлат тиббиёт университети (13.05.2024 йилдаги №36 рақамли хулосаси) Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказининг 16.01.2024 йилдаги 03-сонли ва Жиззах вилоят Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг 10.01.2024 йилдаги 02-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги

қуйидагилардан иборат: генетик маълумотлар юқори хавф гуруҳларига қаратилган мақсадли профилактика дастурларини яратиш учун ишлатилиши мумкин. Бу соғлиқни сақлаш ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли ўртасида касалликларни камайтириш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: генетик маълумотларга асосланиб, хавфли генотипли одамлар учун мақсадли профилактика дастурларини ишлаб чиқиш мумкин. Бу соғлиқни сақлаш ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш, уларни хавфли гуруҳларга йўналтириш имконини беради. Хулоса: агар тадқиқотда иштирок этганларнинг 10% хавф генотипига эга бўлса ва мазкур когортада профилактика дастури ўтказилса, касалхонага ётқизиш ва амбулатор даволаниш харажатларининг профилактика харажатларига нисбатан камайганлигини ҳисобга олсак, йилига давлат бюджетидан ўттиз миллион сўм маблағни тежаб қолиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ADRβ2 генининг rs1042713 полиморф вариантлари GA ёки GG генотиплари бўлган беморлар AA генотипли беморларга нисбатан бронходилататорлар билан даволашда ижобий натижа бериши, IL-17A генининг rs2275913 полиморф вариантынинг GA + GG генотиплари бўлган беморлар ИГКС билан даволашда AA генотипига нисбатан самарали натижа бериши аниқланган. Самарқанд давлат тиббиёт университети (13.05.2024 йилдаги №36 рақамли хулосаси) Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказининг 16.01.2024 йилдаги 03-сонли ва Жиззах вилоят Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг 10.01.2024 йилдаги 02-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: мақсадли ва аниқ даволаш бронхиал астма белгиларини яхшироқ назорат қилишга ва касалликнинг авж олиш даврлар частотасини камайтиришга ёрдам беради, бу эса ҳаёт сифатини яхшилайти ва жисмоний ҳамда руҳий стрессни камайтиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморнинг самарасиз дори-дармонларни қабул қилиш эҳтимолини камайтиради, бу муқобил даволаш усуллари ёки шифокорга такрорий ташрифлар учун қўшимча харажатларни камайтиради. Хулоса: терапияни тўғри белгилаш даволаниш харажатларни 30%га камайтиради ва бемор учун сезиларли маблағ тежаб қолиниши имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, шунингдек тадқиқот объекти ва предметини шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма муаммосига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган илмий изланишлар атрофлича кўриб чиқилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Ушбу шарҳда бронхиал астманинг эпидемиологияси, тиббий-ижтимоий аҳамияти ва замонавий тушунчаларни, этиологияси, ҳужайрали ва молекуляр механизмлари ва уни даволашдаги долзарб муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморлар тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган бобида ишлатилган статистик, клиник ва лаборатория текшириш усуллари келтирилган. Тадқиқот материали тавсифланади ва натижаларга статистик ишлов берилади. Тадқиқот 2022 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Самарқанд Давлат Тиббиёт Университетининг №1 сонли кўп тармоқли клиникаси терапия бўлимида стационар даволанаётган беморларни кузатиш натижаларига асосланган. СДТУ №1 сонли кўп тармоқли клиникаси ички касалликлар кафедраси мудири т.ф.д., профессор Зиядуллаев Ш.Х нинг назорати ва бевосита тавсиялари, илмий ва амалий ёрдами билан текширилувчи беморларни танлаб олиш ва тадқиқотга қўшилиши (Бутунжаҳон тиббиёт ассоциацияси Хельсинки декларацияси, 2008 й) га асосланган. Бронхиал астма билан касалланган 91 нафар бемор жалб этилди, GINA (Global Initiative for Asthma) 2021й меъзонларига асосланиб анамнез маълумотлари, физикал ва клиник лаборатория текширувлари ўтказилди, ташхис ХКТ-10 (10 қайта кўриб чиқилган халқаро тасниф) таснифига биноан қўйилди. Беморлар тадқиқотга махсус ишлаб чиқилган қўшилиш ва истисномеъзонлари мувофиқжалб этилди. Назорат гуруҳи алергик касаллик клиник белгиларисиз ва ирсий мойил бўлмаган 95 нафар амалий соғлом донорлардан иборат.

БА билан оғриган беморларнинг клиник тадқиқоти шикоятларни ва анамнезни йиғиш, пальпация, перкуссия, аускультация усуллари ёрдамида текшириш, антропометрик ўлчовлар (бўйи, тана вазни, тана масса индекси),

АСТ – тестни ўз ичига олади. Барча анамнез, клиник ва лаборатор – инструментал маълумотлар беморларнинг индивидуал рўйхатга олиш картасига киритилди, унда бўғим синдромига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шикоятлар ва ташқи кўрик маълумотлари, анамнезида ревматоид артрит ва бошқа касалликлар, чекиш, алкоголь ва дори препаратларини қабули қилиши ва бошқалар. Барча беморларда қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, умумий сийдик таҳлили бажарилди. Қонда билурибин, шакар, темир, ферритин, гепсидин, остеокальцин, сийдик кислотаси; умумий оқсил ва унинг фракцияси, мочевина, креатинин; АлАТ, АсАТ, γ -глутамилтранспептидаза, ишқорли фосфатаза фаоллиги; протромбин индекси, АЧТВ, фибриноген кўрсаткичлари; қоннинг липид профили аниқланди. Иммунофермент таҳлил усулида гепатит В ва С нинг серологик маркёрлари (HBsAg, аHBs, аHCV) аниқланди. Инструментал текширишлардан кўкрак қафаси рентгенографияси, қорин бўшлиғи аъзолари ва буйрақларнинг ултратовуш текшируви, ЭКГ, ЭхоКГ, эзофагогастроуденоскопия текширувлари ўтказилди.

БА оғирлик даражасига кўра қуйидагиларга бўлинади: енгил БА 1 ва 2 поғона терапияси эҳтиёж бўйича паст дозали ИГКС - ҚТБА (қисқа таъсирли β -2 агонистлар) га ёки кичик дозада ИГКС ёки ЛТРА (лейкотриен рецептори антогонистлари) билан яхши назорат қилинади; Ўрта оғир даража БА 3 поғонада терапияси кичик дозада ИГКС/УТБА билан яхши назорат қилинади; Оғир даражали БА назоратни сақлаб туриш учун 4 ва 5 поғона ўртача ёки юқори дозаларда ИГКС/УТБА (узоқ таъсирли β -2 агонистлар), тиотропий бромид, ёки ИГКС/УТБА/УТАХ (узоқ таъсирли антихолинергик) нинг қатъий комбинацияси, мақсадли терапия ва/ёки ТГКС (тизимли глюкокортикостероид) даволашни талаб қилади, даволанишга қарамасдан (5 поғона) назорат қилиб бўлмайди. БАнинг симптомларини назорат қилишни баҳолаш охириги 4 ҳафта давомидаги клиник белгиларга асосланади.

БА билан оғирган барча беморлар ичида эркаклар 26 (28%) нафар, аёллар 65 (72%) нафарни ташкил этади.

Барча беморларнинг ёши 30 дан 60 ёшгача (ўртача ёш $56,14 \pm 11,69$), касалликнинг давомийлиги 3 ойдан 30 йилгача (ўртача давомийлик $9,85 \pm 3,44$ й) ташкил этади.

Беморларни даволаш медикаментоз ва номедикаментоз терапия, гопоаллергик парҳез терапиясини ўз ичига олади. Астма терапиясининг мақсади қуйидагилардан иборат: узоқ вақт давомида астма белгиларини назорат қилиш ва ушлаб туришга эришиш, БАнинг келажақдаги асоратлари хавфини, нафас йўллари обструкциясини ва терапиянинг исталмаган ножўя таъсирларини минималлаштириш.

Иммунологик текшириш А, М, G иммуноглобулинлар, CD3, CD4, CD8, CD25, CD95 иммуноцитларни ўз ичига олади. Моноклонал антителолар ёрдамида иммунокомпонент хужайраларнинг нисбий миқдори аниқланди. ИФА усулида иммуноглобулин (Ig) А, М, G синфлари миқдори аниқланди.

Иш жараёнида молекуляр – генетиктекшириш учун биологик материаллар тайёрланди: ДНК ажратиб олинди, ажратилган ДНК концентрациясини аниқлаш учун полимераза занжирли реакция (ПЗР), бундан ташқари ПЗР реал вақтда (ПЗР-РВ) кўйилди.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма билан оғриган беморларнинг клиник ва лаборатор маълумотлари**» деб номланган учинчи бобида бронхиал астма билан оғриган беморларни клиник – функционал текширишларини баҳолаш ёритиб берилган.

Ўтказилган текширув доирасида биз ишлаб чиқарган меъзонлар мувофиқланган 91 нафар бронхиал астма ҳолати кўриб чиқилди. Беморларнинг шикоятлари, уларнинг тиббий тарихи, бундан ташқари ташқи кўрик, инструментал ва лаборатория текшириш натижалари жамлаб ўрганилди. Бу эса қатнашчиларни куйидаги икки асосий гуруҳларга: I гуруҳ: кечиши бўйича назоратланмайдиган 34 бемор; II гуруҳ: назоратланадиган 57 нафар бронхиал астма билан беморларга ажратиб берди.

Қиёсий таққослаш учун жинси бўйича таққосланадиган аллергик касалликларнинг клиник белгиларисиз ва ирсий мойил бўлмаган 95 нафар амалий соғлом донорлардан назорат гуруҳи яратилди.

Тадқиқотнинг асосий йўналишларидан бири бронхиал астманинг клиник кечиш характерини аниқлашдир. Хусусан антропометрик маълумотлар, касалликнинг бошланиш ёши, фенотип хусусиятлари, ирсий мойилликни мавжудлиги, охириги йилларда хуруж эпизодлари сони ва АСТ – тест натижалари, бундан ташқари касалликнинг оғирлик даражаларини аниқлаш таҳлил қилинди

Таҳлиллар назоратланадиган бронхиал астма беморлар гуруҳида ўртача $55,1 \pm 4,81$ ёшни, ўз навбатида назоратланмайдиган гуруҳда $60,3 \pm 3,45$ ёшни кўрсатди. Бироқ ёш гуруҳлари бўйича статистик аҳамиятли фарқлар топилмади.

1- жадвал.

БА беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши.

Жинси	Назоратланадиган БА		Жами
	КБА	НКБА	
Эркаклар	14 (54%)	12 (46%)	26 (28%)
Аёллар	43 (66%)	22 (34%)	65 (72%)
Жами	57(62%)	34(38%)	91 (100%)

Тадқиқот доирасида иккала гуруҳ иштирокчилари орасида аёл жинсининг устунлиги кузатилди. Жумладан назоратланадиган бронхиал астма гуруҳида аёллар сони 43 (75%) нафарни, ўз навбатида эркаклар сони 14 (25%) нафарни ташкил этди. Худди шундек тенденция назоратланмайдиган БА гуруҳида 34 беморлар ичида ҳам аёллар 22 (65%) ва эркаклар 12 (35%) нафарни ташкил этди.

Қизиғи шундаки, астма устидан назорати кўрсаткичлари ўзаро гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилди. Назоратланадиган БА гуруҳида

Астма тести шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич АСТ ($23,8 \pm 2,24$ балл) назоратланмайдиган тури ($12,2 \pm 1,7$ балл)га нисбатан юқорилиги, бу касалликнинг оғир клиник кечишини кўрсатади.

Бундан ташқари, тана вазни индекси таҳлили назоратланмайдиган БА гуруҳида (ТВИ $28,9 \pm 1,61$ кг/м²), назорат қилиб бўладиган гуруҳ ТВИ $24,4 \pm 1,28$ кг/м² га нисбатан баландлигини кўрсатди.

БАнинг оғирлик даражаси ўзаро текширилаётган гуруҳлар орасида сезиларли фарқ қилди. Касалликнинг назоратланмайдиган гуруҳида нисбатан оғир: 68% беморларда ўртачаоғирликда, 32% - оғир даражаси қайд этилди. Бундан фарқли ўлароқ назоратланадиган БА беморларда 48% - енгил ва 52% - ўртача даражаси қайд этилган, бу ҳолатда оғир даражаси аниқланмаган.

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида ўпканинг функционал ҳолатини ўрганишда қуйидаги FVC (ўпканинг жадалаллашган тириклик сиғими), FEV1 (жадал нафас чиқаришнинг 1 сониядаги ҳажми), Тифно индекси (FEV1/FVC), ўпка ҳажмининг турли нўқталарида жадал нафас чиқариш тезлиги – МОС25, МОС50, МОС75 бундан ташқари МОС25-75% кўрсаткичлар диққат билан ўрганилди.

Назоратланмайдиган БАда ЎЖТС кўрсаткичлари сезиларли даражада ёмонлашгани ($p < 0,01$) аниқланди, бу назоратланадиган БА беморларга нисбатан ўпка функцияларини жиддий бузилишини кўрсатади. Бунга паралел равишда FEV1 таҳлили назоратланмайдиган БА беморларда кўрсаткичнинг (меъёрдан 64,9%) сезиларли даражада пасайиши ($p < 0,01$) ни кўрсатди, бу нафас функциясининг янада яққол бузилганлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари турли нафас чиқариш тезлиги кўрсаткичлари МОС25, МОС50, МОС75 да статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди, яъни касалликнинг кечишида назоратланмайдиган БА беморларда назоратланадиган БА беморларга нисбатан катта ва ўрта қилиб бронхларда ўтказувчанликнинг сезиларли даражада бузилишларини кўрсатади.

Касалликнинг давомийлигини ўрганишимиз асносида назоратланмайдиган БА билан оғирган беморларнинг ўртача давомийлиги 14 йил (4-41 йил ораллиғи), касалликнинг дебют ёши ўртача 38 йил (12-49 йил ораллиғи) эканлигини аниқладик. БА назоратланадиган гуруҳида касалликнинг умумий давомийлиги 35 йил (14-50 йил), дебют ёши медианаси 18 йил (7-40 йил)га ўзгарди.

Биз тадқиқотимизда бронхиал астмани охириги йилдаги хуружлар сонига асосланиб уч гуруҳга таснифладик:

I гуруҳ: Хуруж кузатилмаган беморлар;

II гуруҳ: Бир марта хуруж бўлган беморлар;

III гуруҳ: Бир ёки бир неча марта хуруж кузатилган беморлар

Бу тасниф учун биз беморларнинг тиббий карталаридаги маълумотлардан фойлаландик. Хуруж деганда биз клиник ҳолатнинг ёмонлашиши ҳансираш, йўтал, хуштаксимон нафас ёки кўкрак қафасининг

сиқилиш каби симптомларни кўпайиши ва уларни мувозанатлаштириш учун стандарт даволанишни талаб қиладиган ҳолатни тушунамиз.

Таҳлиллар БАнинг назоратланадиганлар орасида 44% (25 бемор)да охириги йилда хуруж кузатилмаган, 44% (25 бемор)да бир марта ва 12% (7 бемор)да 2 ва ундан кўп хуруж бўлганлигини кўрсатди. БАнинг назоратланмайдиган гуруҳида 59% (20 беморда) бир марта, 41% (14 бемор)да икки ва ундан кўп марта хуруж кузатилган.

БА даволаш бўйича сўнги клиник тавсияларга асосланган ҳолда барча тадқиқот қатнашчилари инголяцияланган глюкокортикоид (ИГК) қабул қилди, ИГКнинг дозалари касалликнинг оғирлик даражасига кўра белгиланди. Базис даволашда гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар кузатилди. Шундай қилиб, назорат қилинмайдиган БА беморлар назорат қилинадиган БА беморларга нисбатан кўп ва юқори даражадаги даволаш муолажаларини олди.

Тадқиқотимизда БА беморларни қабул қилган терапияга ва унинг интенсивлигига асосланиб таснифладик. Хусусан назоратланадиган БАнинг биринчи даражасида 44% (25 бемор) кичик дозаларда ИГК терапиясини, қолган 56% (32 бемор) учунчи даражали терапиясини олган, жумладан 40% (13 бемор) ИГКС ўрта дозаларда, 20% (6 бемор) юқори дозаларда ИГКС ва яна 40% (13 бемор) ИГК билан бирга УТБА (узоқ таъсирли бета-2-агонистлар) қабул қилганлиги аниқланди.

БА назоратланмайдиган гуруҳи учинчи, тўртинчи ва бешинчи даражага мос келадиган терапия олган. Улар қуйидагича тақсимланади: 9% (3 бемор) ўрта дозада, 26% (9 бемор) юқори дозада ИГК, ва 26% (9 бемор) кичик дозада ИГК билан ҚТБА қабул қилган. Бундан ташқари 12% (4 бемор) ўрта дозада ИГК + ҚТБА, 15% (5 бемор) юқори дозаларда ИГК+ҚТБА ва 15% (4 бемор) Тиотропий билан комбинирланган юқори дозалар ИГК+ҚТБА қабул қилишган.

Таҳлиллар назоратланмайдиган БА ни кўпинча касалликни кеч юзага чиқиши, хуружларни тез тез такрорланиши ва касалликни оғир кечиши билан боғлиқлигини кўрсатди. Кузатишларимизда астмани кеч юзага чиқиши ва жиддий кечиши бошқа тадқиқотлар маълумотлари билан мос келади. БА назоратланмайдиган турида беморлар кўпинча ИГКнинг юқори дозаларини ўз ичига олган интенсив даволашга муҳтожлигини, бу эса астмани кеч бошланиши ва стандарт даволанишга заиф жавобини акс этади.

Бизнинг тадқиқотларимизда астмани назоратланмайдиган кечиши ва турли генетик фонда базис даволаш самарадорлигини ўрганишни олдимизга мақсад қўйганмиз. Бу беморларнинг турли гуруҳлари учун энг самарали даволаш стратегияларини аниқлашга ёрдам беради.

Текширилаётган беморлар ўртасида Т-хужайравий иммунитетни батафсил ўрганишда (2 жад.к) назорат гуруҳига нисбатан, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $45,5 \pm 0,5\%$ ни ташкил этади ($p < 0.01$), бронхиал астма билан оғриган беморларда Т-лимфоцитлар миқдорини сезиларли даражада пасайиши $36,8 \pm 0,5\%$ аниқланди. Худди шундай тенденция CD4+ Т-хелперлар

хам, БА билан оғриган беморларда $19,5 \pm 0,3\%$ пасайиши, бунга қарши назорат гуруҳида $24,4 \pm 0,3\%$ кузатилди ($p < 0,01$). CD8⁺T-супрессорлар миқдори ҳам назорат гуруҳига $21,0 \pm 0,3\%$ нисбатан сезиларли даражада $17,2 \pm 0,3\%$ гача камайди.

NK (natural killer)–хужайраларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотлар БА билан касалланганларда уларнинг даражасиназорат гуруҳидаги соғлом одамлар $17,2 \pm 0,3\%$ га нисбатан $16,0 \pm 0,3\%$ гача енгил пасайишни кўрсатди ($p < 0,02$).

2- жадвал.

БА беморларнинг иммунитет статуси кўрсаткичлари

ИС кўрсаткичлари	Амалий соғлом	БА беморлар	t	P
Лейкоцитлар	$8,0 \pm 0,2$	$8,4 \pm 0,17$	1,52	нд
Лимфоцитлар %	$28,5 \pm 0,7$	$25,2 \pm 0,5$	3,83	<0.01
Лимфоцит абс	$2307,7 \pm 101,8$	$2138,5 \pm 69,8$	1,37	нд
CD3 ⁺ %	$45,5 \pm 0,5$	$36,8 \pm 0,5$	12,30	<0.01
CD3 ⁺ абс.(· 10 ⁹ /л)	$1048,7 \pm 45,3$	$818,2 \pm 34,4$	4,05	<0.01
CD4 ⁺ %	$24,4 \pm 0,3$	$19,5 \pm 0,3$	11,54	<0.01
CD4 ⁺ абс.(· 10 ⁹ /л)	$568,9 \pm 24,7$	$423,2 \pm 17,9$	4,81	<0.01
CD8 ⁺ %	$21,1 \pm 0,3$	$17,1 \pm 0,3$	9,42	<0.01
CD8 ⁺ абс.(· 10 ⁹ /л)	$484,8 \pm 21,8$	$382,06 \pm 16,7$	3,74	<0.01
CD16 ⁺ %	$17,2 \pm 0,3$	$16 \pm 0,3$	2,82	<0.02
CD16 ⁺ абс.(· 10 ⁹ /л)	$403,1 \pm 23,0$	$379,7 \pm 20,5$	0,75	нд
CD19 ⁺ %	$21,9 \pm 0,3$	$18,3 \pm 0,3$	8,48	<0.01
CD19 ⁺ абс.(· 10 ⁹ /л)	$503,1 \pm 21,6$	$396,2 \pm 17,1$	3,88	<0.01
CD23 ⁺ (пастаффинрецептор)%	$21,8 \pm 0,3$	$18,6 \pm 0,5$	5,48	<0.01
CD23 ⁺ абс.(· 10 ⁹ /л)	$508,6 \pm 23,3$	$443,4 \pm 24,6$	1,92	<0.05
CD95 ⁺ (апоптоз рецептори)%	$20,2 \pm 0,3$	$17,4 \pm 0,4$	5,6	<0.01
CD95 ⁺ абс.(· 10 ⁹ /л)	$464,2 \pm 17,6$	$410,9 \pm 24,1$	1,78	нд
IgАмг%	$186,7 \pm 13,35$	$141,5 \pm 7,7$	2,55	<0.02
IgМмг%	$111,2 \pm 4,47$	$92,3 \pm 5,1$	4,07	<0.01
IgГмг%	$901,2603 \pm 67,18$	$1085,5 \pm 33,8$	0,15	нд

Бронхиал астма билан оғриган беморларда иммун комплексларнинг миқдорий таҳлиliga қаратилган тадқиқотлар, тартибга солувчи Т-лимфоцитлар умумий сонининг пасайиши фонида субпопуляциялар балансининг номуносиблиги аниқланди. Ушбу беморларнинг қон зардобидаги иммуноглобулинлар миқдорининг сезиларли ўзгаришлари ҳам аниқланди, бу ҳақда жадвалда тўлиқ келтирилган (2 жад.к). Хусусан соғлом одамлар кўрсаткичларига қараганда иммуноглобулинларнинг А ва М синфи сезиларли даражада пасайганлиги, G синф иммуноглобулинлар миқдори деярли ўзгаришсиз қолганлигини кўринади. Бундан ташқари БА билан

касаланган беморлар орасида В-лимфоцитлар сонини сезиларли пасайиши кузатилди.

Т ва В лимфоцитларнинг фаол маркерлари таҳлил қилишда CD23+ ва CD95+ билан нишонланган хужайралар миқдорининг камайишини 3 жадвалдаги келтирилган маълумотлар тасдиқлайди. Ушбу натижалар асосан генетик мойиллик бўлган ва аллергия касалликлар бўйича ирсий юклаган кишиларда бронхиал астма келиб чиқишида иммунитет механизмларини ролини таъкидлайди.

Иммуннологик бузилишлар ва БАнинг клиник кўринишлари орасидаги боғлиқликни чуқур англаш учун касалликнинг иммунитет параметрлари билан клиник – патогенетик вариантлари бўйича қиёсий таққослаш ўтказилди.

3- жадвал.

БАнинг патогенетик турларига қараб иммун статус кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	АБА	НБА	СБА	P ₂₋₁	P ₃₋₁	P ₃₋₂
Лейкоцитлар	8,3±0,25	8,2±0,56	9,2±0,36	нд	Нд	Нд
Лимфоцитлар %	27±0,9	24,5±1,42	22,6±0,74	<0.0 2	<0.0 1	Нд
Лимфоцит абс	2271,7±112,1	2026,2±196,1	2093,8±127,2	нд	Нд	Нд
CD3+%	38,6±1,02	36,5±0,97	34,2±1,14	нд	<0.0 5	Нд
CD3+абс	935,0±58,32	743,3±79,6	740,74±56,4	<0.0 5	<0.0 5	Нд
CD4+%	20,2±0,45	19,2±0,42	18,8±0,6	нд	Нд	Нд
CD4+абс	466,0±29,2	392,3±41,8	395,3±29,8	нд	<0.0 5	Нд
CD8+%	18,2±0,58	17,2±0,6	16,4±0,58	нд	<0.0 2	Нд
CD8+абс	441,9±29,8	350,9±38,1	345,3±26,8	<0.0 5	<0.0 5	Нд
CD16+%	16,7±0,44	15,25±0,62	16±1,4	нд	Нд	Нд
CD16+абс	423,1±23,4	327,5±67,9	345,3±49,1	нд	Нд	Нд
CD19+%	18,8±0,6	18,7±0,68	17±0,59	нд	Нд	Нд
CD19+абс	434,4±30,1	378,7±38,8	358,6±28,0	нд	<0.0 5	Нд
CD23+%	19,6±0,7	16,2±2,28	17,5±0,28	<0.0 2	<0.0 5	<0.0 5
CD23+абс	494,7±28,4	352,5±64,9	370,9±64,6	<0.0 5	<0.0 5	Нд
CD95+%	18,1±0,6	15,7±0,62	16,5±1,32	<0.0 5	Нд	Нд
CD95+абс	459,8±29,6	314,8±71,7	355,2±46,4	<0.0	<0.0	Нд

				5	5	
IgAмг%	169,7±12,1	171,7±7,4	161,5±6,7	нд	Нд	Нд
IgMмг%	126,7±5,7	122,7±6,7	112,3±4,1	нд	Нд	Нд
IgGмг%	1122,2±74,8	1110,2±114,9	1102,5±22,4	нд	Нд	Нд

Иммун статусни ўрганишда БА билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан Т-лимфоцитларни умумий етишмовчилиги аниқланди, жадвалда тўлиқ ёритилган. Асосан оғир БА (ОБА) билан оғриган беморларда ушбу хужайраларнинг ёққол етишмасилиги қайд этилди, бу ерда ўртача кўрсаткич атиги 34,2±1,14% га етди.

Қизиғи шундаки, касалликнинг аралаш шакли бўлган беморлар билан таққослаганда супрессор Т-лимфоцитни сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Хусусан БАнинг аллергик шакли бўлган беморлардан сезиларли даражада фарқ қилиб, ушбу беморларнинг периферик қонида CD8+ хужайраларнинг улуши 16,4±0,58% ни ташкил этди.

Шу билан бирга гуруҳлараро CD16+ хужайраларининг миқдорида сезиларли фарқлар топилмади, бу касалликнинг патогенетик механизмларига бевосита боғлиқлигини инкор этади.

Фаол маркёрларни таҳлили БА ривожланишида аллергик механизмалар устунлик қилганда CD23-лимфоцитлар даражасининг 19,6±0,7% гача ошиши аниқланди. Шу билан бирга касалликнинг аллергик бўлмаган ва аралаш шакллари бўлган беморларда Fas/CD95 ни ифодаловчи хужайралар сонинг камайиши кузатилди.

Беморларнинг клиник ҳолати ва патологик жараён устидан назорат қилишни инобатга олган ҳолатда иммунокомпонент хужайралар популяциясишу жумладан Т-супрессорлар билан клиник статуси таққосланди. Мазкур тадқиқот БА кечиши хусусиятига қараб иммун статус динамикасини чуқурроқ тушинтиришга имкон беради.

4-таблица.

Касаллик кечишини назорат қилишга қараб БА билан касалланган беморларда иммун статус кўрсаткичлари

ИС кўрсаткичлари	Назоратланмаган БА n=34	Назоратланган БА n=57	T	P
CD3 ⁺ %	36,9±0,29	36,8±0,5	0,17	Нд
CD4 ⁺ %	19,6±0,23	19,5±0,3	0,26	Нд
CD8 ⁺ %	17,2±0,32	17,1±0,3	0,26	Нд
CD16 ⁺ %	16,0±0,4	16±0,3	0	Нд
CD19 ⁺ %	18,4±0,2	18,3±0,3	0,27	Нд
CD23 ⁺ %	18,6±0,54	18,6±0,45	0,42	Нд
CD95 ⁺ %	17,3±0,43	17,4±0,4	0,17	Нд
IgAмг%	124,7±2,4	141,5±7,7	2,08	<0.05
IgMмг%	122,3±6,4	92,3±5,1	3,66	<0.01
IgGмг%	998,7±34,4	1085,5±33,8	1,79	Нд

Қизиғи шундаки БА нинг назоратсиз шакли билан оғриган беморларда А ва G иммуноглобулинларнинг даражасини сезиларли пасайиши кузатиш ҳисобланади. Ушбу маълумотлар БАнинг назоратланмайдиган шакли бўлган беморлар кўрсаткичлари, ҳамда соғлом одамларнинг кўрсаткичларидан ҳам фарқ қилиши статистик жиҳатдан тасдиқланган ($p < 0.01$). Шу билан бирга касалликнинг назоратланмайдиган шаклидаги беморларда иммуноглобулин М миқдори меъёрдан ошиб, сезиларли статистик фарқни кўрсатди.

Тадқиқот БА билан оғриган беморларнинг турли гуруҳларида Т-хужайра ва унинг фаол маркёрларида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлари топилмади, бу йўл касаллик кечишининг турли шароитларида бир хил реактивликка эгаллигини кўрсатади.

Шундай қилиб БА билан оғриган беморларда иммунитет ҳолатини бузилиши, гуморал ва хужайравий иммунитет орасида чуқур номутаносибликни кўрсатади, бу иммунитет системаси мазкур касаллик патогенезида асосий ролини таъкидлайди ва унинг механизмларини кейинчалик чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Ўзбек популяциясида бронхиал астма хавфи ва $\beta 2$ -адренергик рецептор ($ADR\beta 2$), интерлейкин-17А (IL-17А) генлари полиморфизмлари» деб номланган тўртинчи бобида $ADR\beta 2$ гени Arg16Gly полиморфизмларини БА клиник кўринишларининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқлигини аниқлаш вазифаси қўйилди.

Асосий гуруҳ бронхиал астма билан оғриган 91 нафар беморлардан тузилди. Текширилаётган гуруҳни Самарқанд давлат медицина университети ички касалликлар кафедрасида кузатувдаги беморлар ташкил этди. Бунга жинси ва ёшига мос равишда 95 нафар соғлом кишилар қўшилди. Назорат гуруҳидаги шахсларда аллергиянинг бирор бир белгиси ва симптомлари аниқланмади.

Мазкур тадқиқотимизда $ADRB2$ гени Arg16Gly полиморф вариантларининг аллел частоталари ва генотипларининг БА билан касалланганларда тақсимот частотасини ўргандик. Бизнинг натижаларимиздан кўриниб турибдики БА ривожланиши учун хавф маркёр А аллелидир (мос равишда 32,42% ва 22,64%; $OR = 0,610$; 95% $DI: 0.385 > 0.610 > 0.966$; $\chi^2 = 4.473$ ($p = 0.035$)).

5- жадвал

БА беморларда $ADRB2$ гени Arg16Gly полиморфизм аллелларини тақсимланиши

ADRB2 гени Arg16Gly полиморфизми	БА беморларн (%)	Назорат гуруҳин (%)	ИН	χ^2	95% ИО
G	123 (67,58%)	147 (77,36%)	0.610	4.473 ($p = 0.035$)	0.385 >0.610 > 0.966
A	59 (32,42%)	43 (22,64%)			

Бундан ташқари, GG генотиплари қиёсий таққосланганда, БА билан оғриган беморлар ва назорат гурухи ўртасида фарқлар аниқланди (мос равишда 51,65% ва 61,05%; OR = 0,68; 95% DI: 0.381 >0.681> 1.22; $\chi^2=1.672$ (p=0.195981)).

БАнинг GA гетерозиготали генотиби таҳлилида учраш частоталари ва назорат гурухида беморлар ўртасида (мос равишда 31,87% ва 32,63%; OR = 0,965; 95% CI: 0.522 >0.966> 1.786; $\chi^2=0,012$) фарқ аниқланди, аммо улар ҳақиқий аҳамиятга етмади. Бизнинг тадқиқот натижаларимизда БА ривожланиши учун хавф маркер AA генотипидир (мос равишда 16,48% ва 6,32%; OR = 2,927; 95% DI: 1.082 >2.928> 7.919; $\chi^2=4,798$ (p=0.0285)).

6- жадвал

БА беморларда ADRB2 гени Arg16Gly полиморфизм генотипларини тақсимланиши

ADRB2 гени Arg16Gly полиморфизми	БА беморларн (%)	Назорат гурухн (%)	ИН	χ^2	95% ИИ
GG	47 (51,65%)	58 (61,05%)	0,681426	1.672 (p=0.195981)	0.381 >0.681> 1.22
GA	29 (31,87%)	31 (32,63%)	0,965661	0.012 (p=1)	0.522 >0.966> 1.786
AA	15 (16,48%)	6 (6,32%)	2,927632	4.798 (p=0.0285)	1.082 >2.928> 7.919

Адабиётларда адренорецепторларнинг генетик вариантларини бронхиал астма патогенезида рол ўйнаши ҳақида далиллар мавжуд, аммо ADRB2 полиморфизмлари орасидаги боғлиқлик ҳали ҳам зиддиятли. Ўзбек популяциясида бронхиал астма ва ADRB2 полиморфизмлари ассоциацияси ҳақида ҳозирги вақтгача бирор бир тадқиқотлар олиб борилмаган. Тадқиқотимизда ADRB2 гени Arg16Gly полиморфизми астмани пайдо бўлишига таъсир этишини исботлади. Адренорецепторлар бронхлар силлиқ мушакларини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди, бу геннинг полиморфизми ўпка функциясининг пасайишига ва бета-2-агонист терапияга бронхолитик жавобни ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Arg16Gly полиморфизми учун гетерозиготли кўринишда GA аллели пайдо бўлишининг юқори учраш частотаси муҳим ҳисобланади. Ўрганилаётган ген полиморфизмларининг учраш частотаси 20% дан ошганда фармакогенетик тестдан фойдаланилади.

Бронхиал астмада ADRB2 гени Arg16Gly SNPs асоциациясини ва генотиби, аллелик вариантлари тақсимланиш частотасини ўрганишдан

олинган тадқиқот маълумотларига асосланиб, мазкур патологик ҳолатнинг генетик характеристикасини белгиловчи маркер сифатида ишлатиш мумкин.

Шундай қилиб, ADRB2 генининг гомозиготли AA генотиби ва A аллелини сезиларли даражада ошиши, бронх силлиқ мушакларини назорат қилишда ва бронхиал астма каби касалликлар патогенезида иштироки тасдиқлайди.

Ўзбек популяциясининг бронхиал астма билан оғриган беморларида IL17A гени (rs2275913 G/A) SNP текшириш ва касалликка мойилликни баҳолаш.

